

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА ДИЛДОРА АБДУМАНАПОВНА

**ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ДАВРИДА ИНСОН ОНГИ
ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК: 1:316.6:159.922(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Муратова Дилдора Абдуманова

Техноген цивилизация даврида инсон онги трансформациялашувининг
фалсафий таҳлили.....3

Муратова Дилдора Абдуманова

Философский анализ трансформации сознания человека в техногенной
цивилизации.....21

Муратова Дилдора Абдуманова

Philosophical analysis of the transformation of human consciousness in a
technogenic civilization.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА ДИЛДОРА АБДУМАНАПОВНА

**ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ ДАВРИДА ИНСОН ОНГИ
ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fal366 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Раматов Жуманиёз Султанович фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Саифназаров Исмоил Саифназарович фалсафа фанлари доктори, профессор Эгамбердиев Азиз Абдумаликович фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» 12 соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)
Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил « 10 » 12 да тарқатилди.
(2020 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



Н.А.Шермухамедова
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

У.А.Маҳкамов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.д (PhD)

Г.Т.Махмудова
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда XX асрда шаклланган техноген цивилизация XXI асрда рақамли технологияларнинг ривожда давом этмоқда ва жамият ижтимоийлашувининг бош омили сифатида амал қилмоқда. Фан, таълим тизимида ахборот технологияларининг кенг қўламда қўлланиши билим интеграцияси инсон онгининг трансформациялашувида ўз ифодаситни топомқда. Техноген цивилизация нафақат жамиятнинг прагматик эҳтиёжига жавоб беришда балки, маданиятлар диалоги ва индивидуал онгининг ўзгарувчанлигини қамраб олмоқда ва инсон ақлининг чексиз имкониятларини жамият ҳаётининг барча соҳаларида намоён қилмоқда. Айти пайтда техноген цивилизациянинг йўналишларидан бири бўлган ижтимоий тармоқларда бузғунчи ғоялар аҳолининг турли қатламлари онгига таъсир этмоқда, шу боис, техноген цивилизациянинг ижобий ва салбий оқибатларини аниқлаш, ундан жамият равнақи йўлида фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида техноген цивилизация оқибатлари, келажак истиқболларини белгилаш, инсонлараро ва шахслараро муносабатларга технологияларнинг таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу илмий фаолият натижалари технопессимизм ғояларидан воз кечишга даъват, ҳар қандай технологик тараққиётни муайян салбий таъсири бўлсада, лекин у асосан инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилаётганлигини асослашда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда XX асрнинг охирларида технологиялардан фойдаланиш амалиёти ривожланди, ҳозирги даврда у жамият ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан саноат ишлаб чиқариш, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалигидаги биотехнологиялар, маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш ва энг муҳими одамларнинг ижтимоий ҳаётида ўз ифодасини топомқда. Техноген цивилизация жамият ривожланишининг ва инсон онгидаги трансформациялашувнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда, шу боис, унинг ижтимоий аҳамиятини ўрганиш, барқарорликка таҳдид билан боғлиқ таъсир доирасини аниқлаш ва уларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406 сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8-февралдаги ПҚ-4168-сон “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллиштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур

диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг- I.“Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Миллоддан аввалги Рим империясида коллизей амфитеатрининг қурилиши техника ва технологияларнинг ривожининг энг қадимги илдизидир. Шу боис, Юнон ва Рим мутафаккирлари технологик тараққиёт ҳақида фикр юритмаган бўлсада, улар техник қурилмалар инсонлараро дунёқарашлар диалогининг маҳсули эканлигини асослаганлар. Янги давр инглиз файласуфи Ф. Бэконнинг «Янги Атлантида» асарида “Инсоннинг табиат устидан ҳокимиятга эришиш жамиятнинг мақсади” деган ғояси ўз ифодасини топган, бу мақсад узоқ вақт мобайнида техноген цивилизациянинг назарий асос бўлган хизмат қилган. Ж.Локк ўзининг “Инсон машина”¹ асарида келажак тақдири технологияларга боғлиқлигини асослаган.

XX аср олимлари Л.Морган, Ж.Ф.Лиотар, О. Шпенглер, М.Чоран, Э.Тоффлер, Ю.Хабермас, А.Тойнби, С.Хантингтон цивилизациялар ва технологик тараққиёт инсон онги трансформацияси маҳсули эканлигини, ҳар қандай техника одамларнинг кундалик эҳтиёжларига жавоб сифатида улар ақли имконияти маҳсули сифатида пайдо бўлганлигини асослаган.

МДХ олимлари, хусусан Россия файласуфи В.С.Степин фикрича “техника бевосита жамият равнақи ва унинг истиқболларини белгилаб берган”². А.С.Ахиезер, Б.С.Ерасов, “Жамият ўзининг индустриал босқичига етгунга қадар техника ва технология ҳунармандчилик кўринишида яқка тартибдаги фаолият сифатида намоён бўлган” деб таъкидлаган.

Марказий Осиё давлатларида ҳам технологик тараққиётнинг йўналишлари ва мақсадларини аниқлашга йўналган илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, Қирғизистонлик олим Н.Ишимбекова, Тожикистонлик олим И.Усмонов, қозоқ олими Н.Сейсен цивилизациялар диалоги бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар, уларнинг фикрича цивилизация нафақат кундалик эҳтиёжларга жавоб, балки халқлар маданияти диалогининг натижасидир.

Ўзбекистонда С.Отамуродов “Миллий ва техноген онг муносабатларини таснифлаган”³, Н.А.Шермухамедова ўзининг “Техника фалсафаси”⁴ дарслигида ибтидоий техника замонавий технологияларнинг амалий асоси, замонавий технологиялар эса келажакка мўлжал олади деб

¹ Ж.Локк “Инсон машина” – Москва: 1989. – с 121.

² В.С. Степин Философская антропология и философия культуры. Москва: Академический Проект, Альма Матер. 2015. – с 542.

³ С.Отамуродов. Глобаллашув миллатни асраш маъсулияти. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – б 129.

⁴ Н.А. Шермухамедова. Техника фалсафаси. Тошкент: Унверситет, 2017. – б 10.

таъкидлаган. Шунингдек, Ж.С.Раматов, И.С.Саифназаров, Б.О.Тўраев, Б.Р.Каримов, Ш.С.Қўшоков, С.М.Адилходжаева глобал жараёнлар технологик тараққиёт билан боғлиқлигини асослаган.

Тадқиқот жараёнида хориж ва Ўзбекистон олимларнинг цивилизацияларнинг таснифига оид қарашлари таҳлили, уларда инсоният тараққиётининг барча даврларидаги ўзгаришларнинг ўзаро таъсирини асослаганлиги аниқланган. Бироқ уларда, техноген цивилизациянинг инсон онгига таъсири даражалари ўрганилмаганлиги боис, ушбу диссертацияда технологик тараққиётда онг трансформацияси таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг “Глобаллашув шароитида ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг замонавий технологияларини яратиш муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади техноген цивилизация инсоннинг прагматик эҳтиёжларига жавоб сифатида пайдо бўлганлигини ва унинг жамият ривожига ижобий ва салбий таъсирини асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

«анъанавий ва техноген цивилизация» диалектикасини қиёсий таҳлил этиш ва уларнинг инсон онгига таъсири йўналишларини очиқ бериш;

ёшларнинг технологиялардан фойдаланишда назарий билим ва амалий фаолият бирлигига эришишининг методологик ёндашувларини асослаш;

фан ривожланишига технология таъсирининг кашфиёт ва ихтиролар классификацияси мисолида асослаш;

техноген цивилизацияда шаклланган индивидуаллашув таъсирини очиқ бериш ва руҳий тушкунлик ҳолатларини бартараф этиш бўйича амалий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида техноген цивилизация жараёнларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили олинган.

Тадқиқот предметини жамият ривожига технологияларнинг инсон онгига таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида диалектик, синергетик, ворисийлик тамойиллари, гипотетик-дедуктив, дедуктив номологик тушунтириш, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

техноген цивилизация, инсон онгининг трансформациялашуви тушунчалари қиёсий таҳлил қилинган, умумфалсафий ва методологик аҳамияти асосланган;

техноген цивилизацияда инсон онги трансформациялашуви жараёнида кузатилаётган дифференсацияси ва интеграция жараёнларининг истиқболлари ҳамда онг ҳақидаги замонавий концепциялар эпистемологик механизмлари очиқ берилган;

инсон онгини ўрганиш соҳасидаги ўзгаришлар синергетик таҳлили

далиланган;

инсон онги конгнитив, эвристик трансформациялашуви фалсафанинг алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик категориялари нуқтаи назаридан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

техноген цивилизациянинг инсон тафаккурига таъсири, индивидуал билимни оммавий онг даражасида фойдаланишнинг аҳамияти очиб берилган.

инсон онгининг трансформациялашув механизмлари техноген цивилизация истиқболларини белгилаш, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига эришишда технологиялардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти техноген цивилизация, сунъий интеллект, виртуал технологиялар ва инсон онги трансформациялашувининг ижтимоий аҳамиятини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, давлат ва нодавлат ташкилотларида ахборот технологияларга оид илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги таклиф, тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат Маркази, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази, фуқаролик жамияти институтларида психологлар фаолиятида ахборот технологиялари таъсирида шаклланган бегоналашувни бартараф қилиш, технологиялардан фойдаланишда хушёрликни намоён қилишга бағишланган телекўрсатувларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техноген цивилизация даврида инсон онги трансформациялашувининг фалсафий таҳлили билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш асосида:

техноген цивилизация даврида инсон онгида турли хил ўзгаришлар содир бўлиши, унинг жамият тараққиётига таъсири борасидаги хулосалардан ижтимоий-фалсафа йўналишида “Фалсафа” ва “Темир йўл транспортида фуқаро муҳофазаси” номли ўқув қўлланма яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 мартдаги 89-03-914-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида, техноген цивилизация ва инсон онгининг трансформациялашуви тушунчаларига доир умумфалсафий ва методолигик тавсиялар ўқув қўлланманинг назарий методологик асослар билан бойитишга хизмат қилган;

техноген цивилизациянинг оқибатлари юзасидан ўтказилган тадқиқот

натижаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 20170930369 рақамли “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 5 мартдаги 02/022-238-сон маълумотномаси). Натижалар ёшлар учун тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи турли ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши замонавий ёндашувлар ва технологиялар яратишга хизмат қилган;

тадқиқот ишида илгари сурилган техноген цивилизация даврида инсон онги трансформациялашувида юз берадиган ижтимоий ўзгаришларга мослашувчанлик ва рационал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича берилган тақлиф ва тавсиялардан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг дастурлари ва “Йўл харитаси” ва уни ривожлантириш бўйича йўриқномаларида акс этган. (“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 20 февралдаги 01/749-20-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида, темир йўл тизимида кўплаб ёш мутахассисларни инновацион технологиялардан фойдаланишга жалб қилиш фаоллигини оширишга хизмат қилган.

глобал тараққиётнинг мамлакатимиз ижтимоий-маданий ва маънавий ҳаётига таъсири каби масалаларга доир фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Мунаввар соатлар” ва “Болалар даврасида” туркум кўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маҳалла” радиоканалининг 2020 йил 9 мартдаги 04/107-сон маълумотномаси). Натижада ёшлардаги техника ва технологиялардан фойдаланишга доир илмий-оммабоп кўрсатувлар мазмуни бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-назарий, илмий-амалий конференциялардаги маърузаларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари чоп этиш этишга тавсия этилган илмий нашрларда эса 7 та мақола 4 та республика ва 2 та хорижий журнал, 1 та SCOPUS журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, олтита параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 143 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига

боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишларнинг сони, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми асосланган.

Диссертациянинг **“Цивилизация ва техноген цивилизация мутаносиблигининг ижтимоий фалсафий жиҳатлари”** номланган I – бобда анъанавий ва техноген цивилизациянинг ўзаро алоқаси ва фарқи очиб берилган. Шунингдек, одамларнинг оғир жисмоний меҳнат қуроллари технологиялар билан алмашиши оқибатида бўш вақтнинг кўпайиши бўш вақт эса, уларнинг бир томондан интеллектуал ривожига, иккинчи томондан эса, жисмоний лоқайдлигига таъсир этгани очиб берилган.

Диссертант фикрича, ҳар қандай цивилизация инсон ақлий имкониятининг маҳсулидир. Шу боис, техноген тараққиёт янги цивилизацияга йўл очади, унда анъанавий цивилизация элементлари сақлангани ҳолда мутлақо янги ижтимоий муносабатлар шаклланади. Цивилизацияларнинг алмашинуви маданий алоқаларнинг такомиллашиши, тафаккурнинг ўзгаришига таъсир қилади. Цивилизация инсониятнинг тош асридан техноген тараққиётгача бўлган даврининг тарихий тавсифи, маданийлашув ва интеллектуаллашув жараёнини ўзида намоён этади.

Муаллиф, шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссоннинг “Цивилизация жаҳон тарихий жараёнининг муайян бир босқичини ифодалаш учун француз маърифатпарварлари ақл-идроки ва адолатга асосланган жамиятдир”⁵ ғоясини француз иқтисодчиси В. Мирабенинг “Цивилизация одамларнинг биргаликдаги фаолият туридир”⁶ деган таърифи, Гольбахнинг “Цивилизация жамият ҳаёти такомиллини ифодаловчи тарихий жараён”, Морганнинг “жамиятнинг ибтидоий ваҳшийлик ҳолатидан чиқарувчи турмуш тарзи”, Зиммелнинг “маънавий ижод ва эркинлик маданиятига қарши жамиятнинг моддий утилитар технологик томони”, Шпенглернинг “маданиятнинг халокати билан якунланувчи цивилизация эволюцияси”, А.Тойнбининг “ҳар қандай ижтимоий маданий дунё, ҳар қандай ижтимоий маданий бирликлар” каби ёндашувларини қиёсий таҳлил қилади. Муаллиф фикрича, цивилизация одамларнинг кундалик эҳтиёжларига жавоб сифатида тафаккурнинг янгиланиши, ақл имконияти ва маданийлашув даражасининг янги босқичидир.

Тадқиқотчи, Морганнинг “Инсоният тарихидаги ёввойилик, ваҳшийлик ва цивилизациядан иборат пастки, ўрта ва юқори босқичлари маданиятнинг ривожланишидаги технологик силжишларга асос бўлади” деган фикрига кўшилади. Зеро, Морган таърифлаган ривожланиш босқичлари умумбашарий аҳамиятга эга, чунки унда ҳар бир халқнинг тарихига хос жараён асосланган. Шу боис, Л. Морганнинг эволюцион концепцияси XIX асрнинг иккинчи

⁵ А.Фергюссон. Цивилизация. Чем Запад отличается от остального мира. – Москва: Корпус, 2014. – 110 б.

⁶ В.Мирабе. Трактат о друге человеке или о моде – Москва: 1996. – 98 б.

ярмида марксизм тарихи фалсафасининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Тадқиқотчи фикрича, цивилизациянинг моҳиятини тушунишда унга мансуб бўлган маданиятнинг ролини англаш муҳимдир. Агар ишлаб чиқариш кучлари цивилизациянинг моддий асосини ташкил этса, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади, унинг қиёфасини, белгилаб беради. Бу билан маданият ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашувини, яъни цивилизациянинг шаклланиши, мавжуд бўлиши ва ривожланишини белгилаб берувчи ўзига хос вазифасини бажаради. Демак, цивилизация маданиятнинг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиради. Тарихда муайян ҳудудда шаклланган цивилизацияга гоҳ табиий муҳит, гоҳида ижтимоий шарт-шароит таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон цивилизациясида бу омилларнинг барчаси ўзига хос аҳамият касб этган. Республика тарихининг кейинги ўн минг йили таҳлил қилинса, дунёвий ва диний қарашлар бир-бири билан тақозоланганлигини кузатиш мумкин. Цивилизациялашган тараққиётгина миллий маданият равнақи учун кенг имкониятлар яратади, чунки маданият цивилизациянинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Миллий маданиятдан узилиб қолган цивилизация охири-оқибатда таназзулга учрайди. (Масалан, ЮНЕСКО ҳимоясидаги қадимги Майя цивилизациянинг 100 дан ортиқ шаҳар вайроналари қолган).

Диссертант, олимларнинг шаклига кўра Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, христиан ва мусулмон цивилизациялари, ҳудудий ва жаҳон цивилизацияси каби таснифларига кўшилади. Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг тараққиётига илм-фан, ахлоқ, дин, санъат ва маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшди ва кўшиб келмоқда деб ҳисоблайди. Зеро, Ўзбекистон ўз миллий қадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Шарқ ва Ғарбнинг умумбашарий қадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, дунё цивилизацияси билан уйғунлашмоқда.

Муаллиф фикрича, рус олими Н.Данилевскийнинг маданий-тарихий типлар назариясидаги тараққиёт ғояси жамиятнинг эволюцион инқилобий назариясининг асосидир. Унга кўра, ҳар бир маданий цивилизация шахс ривожланиши, ёшлик (сиёсий институтларнинг шаклланиши), етуклик ва таназул давридан ўтади. Бу ғояни ҳозирги ёшларнинг ёшга доир ривожланиш босқичлари билан қиёслаш мумкин, лекин муаллиф Н.Данилевскийнинг ёш инқирози ҳақидаги қарашларини инкор этади ва ҳар бир ёш дунёқарашга доир етилиши билан янги даврга мослашади ва дунёқарашни ўзгаради деб таъкидлайди.

Диссертацияда О.Шпенглернинг маданий-тарихий типлар таълимотининг маданият цивилизациясидаги аҳамиятини асосланган. Унда маданий-тарихий тип ривожланишнинг биринчи босқичи бўлиб, у маданият деб номланади. Иккинчи босқичдаги - цивилизация "эволюциянинг механик тури" бўлиб, бу Шпенглер фикрича муқаррар равишда Европани "таназзулга" олиб келади. У жамият тарихидаги саккизта цивилизацияни (маданий-

тарихий турлар) таснифланган ва уларни тўлиқ, ёпиқ, маданий узлуксизлик учун ҳар қандай имкониятлардан маҳрум деб ҳисоблаган.

Диссертацияда Арнольд Тойнбининг “Цивилизация - бу тарихнинг баъзи онгли бирликлари, элементлари бир-бирига мос келадиган ва бир-бирига таъсир қиладиган яхлит тизим” деган ғояси илмий асосланган. А.Тойнбининг бу концепцияси провидентиализм яъни - ижтимоий ривожланишни олдиндан белгилашни назарда тутди, бироқ унда ирқий фарқлар ва яшаш муҳити эътиборга олинмади. Унинг фикрига кўра, бу вазиятда халқларнинг ижтимоий ривожланиш мезонларига мослашиши муҳим аҳамиятга эга, зеро келажак инсоннинг дунёвий билим ва диний эътиқодининг бирлигини таъминлашни тақозо этади.

Диссертацияда файласуф олим П.А.Сорокиннинг “Маданий-тарихий типлар концепцияси, уч босқичли ижтимоий-маданий суперсистемалар назарияси”, Самуэл Хантингтон⁷нинг “Совуқ уруш давридан кейинги цивилизациялар қарама-қаршилиги инсониятнинг келажакини белгилайди” деган ғоялари тадқиқ этилган. Хантингтон фикрича, Хитой, Ҳинд, Мусулмон ва Ғарб цивилизацияси буддизм, Ҳиндуизм, ислом ва христианлик каби дунё динлари таъсирида пайдо бўлган. Замонавий Ғарбий христиан цивилизацияси, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлиб, бошқа цивилизацияларга нисбатан тажовузкор руҳда деб қабул қилинади. Муаллиф, С.Хантингтон Ғарбнинг кучи аста-секин пасайиб бормоқда, натижада цивилизация кучлари мувозанатидаги мисли кўрилмаган туб ўзгаришлар содир бўлмоқда деган фикрига бир томондан қўшилади ва иккинчи томондан уни инкор этади, зеро XX асрнинг 70, 80, 90 - йиллари Ғарбда иқтисодий-маънавий таназзул билан бир қатор буюк кашфиёт ва ихтиролар даври бўлди, шу нуқтаи назардан ғарб цивилизацияси ўсиш ва пасайишларнинг мутаносибиллигини ўзида намоён этади.

Муаллиф, С. Хантингтон “Инсониятнинг келажак ноаниқ” деган фикрига қўшилади, бу эса цивилизацияларнинг зиддиятлигидан далолатдир.

Диссертацияда космоген, антропоген, техноген цивилизацияларнинг хоссалари таснифланган. Космоген цивилизация анъанавийликда янгиликларнинг устунлиги таъминланган қадимги Вавилон, Рим, Греция, Хитой, Ҳиндистон ва Ўрта аср Европасида намоён бўлса, антропоген цивилизация - бу жамиятнинг шундай тараққиёт моделики, унда анъанавий кадрятлар қайта баҳоланади, техноген цивилизация эса, технологияларнинг ижтимоий тараққиётга таъсирининг ўзига хос типини англатади. У XV–XVII асрларда Ғарб маданиятида инсоннинг табиатга антропоген таъсири натижасида пайдо бўлган.

Диссертацияда техноген цивилизация жараёнидаги онг ўзгаришлари динамикаси Э.Фромм ва З.Фрейд таълимотлари асосида очиб берилган.

⁷ С.Хантингтон. “Цивилизациялар тўқнашуви ва жаҳон тартибини қайта ташкил этиш” Москва. Родина, 2018. 304 б.

Унга кўра, онг ҳақидаги психология, лингвистика, семиотика, мантиқ, антропология, биология, маданиятшунослик каби туташ фанлар натижаларини умумлаштириб, «сунъий интеллект» моделини яратиш мумкин. Инсон онги ёки «сунъий интеллект» моделини «соф онг»нинг имкониятларининг амалга ошиши деб ҳисоблаш мумкин. Айнан шу сабабли онг феноменологияси онгнинг информатсион – билиш моделларини яратиш восита бўлиб хизмат қилди.

Техноген цивилизация жараёнида онг ўзгаришлари динамикасининг асосий омиллари бозор иқтисодиёти қўллаб-қувватлаган рақобат шароитида янги неъматлар ишлаб чиқиш, фойда олиш, ресурслар излаш, жаҳон бозорига чиқиш рационаллаштириш жараёнларини янада тезлаштиради. Бу инсон ва жамият ҳаётини тубдан ўзгартиради, фан ривожланади, меҳнат турлари кўпаяди, оғир меҳнат техникага юклатилади, планетар алоқалар юзага келади, халқлар, давлатлар ўртасида интеграция кучаяди. Техноген цивилизациядаги онг трансформацияси ана шу жараёнлар, ўзгаришлар натижасидир.

Хуласс, техноген цивилизацияда инсон онги трансформациялашуви технологик жамият тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Бирок, техноген цивилизация инсон ҳаётининг ижтимоий ва табиий шароитларининг сезиларли яхшиланиши билан бир қаторда, технологик онг ҳам замонавий ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Диссертациянинг II-боби **“Техноген жамият ва ижтимоий трансформациялар”** деб номланиб, унда саноатлаштиришнинг ижтимоий-маданий соҳаларга таъсири, инсон онги трансформациялашувининг ўзига хос жиҳатлари ва синергетик моделлари таснифланган.

Муаллиф, илмий-технологик тараққиёт ва иқтисодий ўсиш турмуш тарзи ўзгаради янги истеъмол даражасини таъминлайди, тиббий хизматлар сифатини ошиши ўртача яшаш даврини узайтиришга олиб келади деб таъкидлайди. Экологик ва антропологик таназзул, бегоналашиш жараёнининг тобора ўсиши, янгидан-янги оммавий йўқотиш воситаларини кашф қилиниши бутун инсониятни фалокатга олиб келиши мумкин бўлган таҳдидлар техноген ривожланишнинг маҳсули ҳисобланади. Тадқиқотчи фикрича, глобал муаммоларни ҳал қилиш учун биринчи навбатда инсоният тафаккурининг тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Ҳар қандай маданият инсонларда тегишли тафаккурни шакллантиради. Инсон эса, ўз ҳаётий фаолиятида аксарият ҳолларда ўз тафаккурига таянади ва фикр энергияси билан фаолиятини ё ёмонликка ёки яхшиликка йўналтиради.

Диссертацияда, цивилизациянинг технологик қиёфасига табиатшунослик фанларининг таъсири асосланган. Хусусан физика, кимё, биология, ирсий инженерия, молекуляр физиология фанларидаги ютуқлар ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва фармацевтика саноатида жуда жиддий ислоҳотларга шарт-шароит яратмоқда. Илғор илмий технологияларни ишлаб чиқувчи ва улардан фойдаланувчи фирмаларнинг инновацион ва ишбилармонлик фаоллиги кескин ошмоқда.

Мазкур фанларда янги технологияларни яратиш ва такомиллаштириш энг даромадли тижорат воситаларидан бирига айланмоқда. Масалан, биофизика билан ўсимликлар физиологияси туташган жойда ўсимликларнинг физиологик ҳолатини экспресс – диагностика қилиш методи ишлаб чиқилган. Тиббиётда, жумладан, пластик ва косметик хирургияда лазер нури билан боғлиқ ихтиролардан фойдаланилмоқда.

Демак, инсон онги трансформациялашувида табиий ва ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқаси профессионал фаолиятда инсонпарварлик омилига таянишни тақозо қилмоқда.

Диссертацияда техноген цивилизациянинг экологик вазиятга таъсири очиб берилган. Зеро, атроф-муҳит муаммоларининг ечими ҳар бир кишининг табиатга оқилона муносабати ва уни асраб авайлашдаги амалий саъй ҳаракати билан белгиланади. Экологик инқироз - жамият ва табиат ўртасидаги мувозанат, табиий муҳитнинг таназзулга учраши ва давлат тузилмаларининг муаммони ҳал қилиш ва қулай муҳитни тиклаш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилмаслиги оқибатидир. Атроф-муҳит инқирозининг дастлабки шартларидан бири атроф-муҳитнинг ифлосланишидир. Атроф муҳитни ифлослантириш - экологик тизимни аста-секин йўқ қилиш ва инсоният келажагига жиддий хавф туғдириш демақдир.

Муаллиф фикрича, глобал техноген цивилизациянинг кадриятлари нафақат табиий, балки ижтимоий объектлар устидан ҳам ҳукмронлик қилиш, улар билан турли технологик манипуляциялар қилиш (турли воситаларда таъсир)ни назарда тутаяди. Шу боис, ҳам глобал техноген цивилизацияда диний кадриятлар трансформацияси ҳам алоҳида эътиборга молик. Янги диний секталар жамият маънавий тараққиётининг келажак камолотига мос келмайдиган, инқирозли соҳаларида пайдо бўлмоқда. Бундай секталар ёшларнинг бир қисмини ўз томонига оғдириб, ижтимоий ҳаётдан четлаштиришга, ёшларни давр муаммоларини оқилона ечишга йўналтирмасдан, тушкунлик, умидсизлик кайфиятини ифодаламоқда, жамият маънавиятига катта зарар етказмоқда⁸. Бундай ноанъанавий диний ғоялар катта ташвиқот ва моддий ёрдам бериш орқалигина эмас, маънавий қашшоқлик, маиший бузуклик каби омиллар туфайли ҳам айрим гуруҳларни ўз таъсир доирасига олмақда.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида дунёвий ва диний кадриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатни уйғунлаштиришда умуминсоний тамойилларга асосланиш, уларни ягона мақсадга йўналтириш лозим, жамият муаммоларини ҳал қилиш, умуминсоний кадриятларга асосланиш ва бошқа кўплаб тамойиллар шулар жумласидандир. Ана шу каби тамойилларга асосланилса дунёвий ва диний ғоялар ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олиш мумкин.

Глобал техноген цивилизация тараққиётида диний кадриятлар трансформациясини ўрганишда кадриятли ёндашувнинг ўрни эътиборга

⁸ А.А. Круглов. Основы религиоведения. Минск: Тетра система. 2002, - 152 б.

молик. Қадриятли ёндашув – бу техноген цивилизация тараққиётида диний қадриятлар трансформациясини инсон ҳаётида намоён бўлишига қараб фалсафий баҳо бериш демакдир.

Диссертант Н.Бердяевнинг техника инсоннинг сўнгги муҳаббати ва бу муҳаббат таъсирида у ўз қиёфасини ўзгартиришга тайёр”⁹ деган фикрига қўшилади, чунки диний эътиқод ҳар қандай техноген цивилизациянинг салбий оқибатларидан ҳимоя воситаси сифатида амал қилади.

Демак, техноген цивилизация ва ижтимоий жараёнлар диалектикаси табиий ресурслар инқирози, технократик ахлоқийлик мезонлар иштирок этмайдиган ҳозирги ижтимоий тизимларни (жамиятни эмас, айнан мавҳум тизимларни) вужудга келтирмоқда.

Диссертацияда техноген цивилизацияда ижтимоий ривожланиш тезлашиши, экстенсив тараққиёт интенсив тараққиёт билан алмашилиши асосланган. Унда инновация, ижод, фаолиятни ўзгартирувчи янги ғоялар, юксак қадриятлар ҳисобланади. Уларнинг таъсирида анъанавий урф-одат ва қадриятлар ўзгаради, баъзилари унутилади. Оламни ўзгартириш ғоясининг негизида дунёни илмий нуқтаи назардан англаш ётганлиги боис, қадриятлар тизимида илмий рационализм ётиши зарурлиги ҳам техноген цивилизация билан боғлиқ. Бунинг асосида, инсон ўз мақсадига мувофиқ табиат ва ижтимоий ҳаёт сирларини очади, деган ишонч ётади. Мазкур ишонч илмий-техник кашфиётлар билан мустаҳкамланади.

Муаллиф фикрича, техника ва технологияларнинг асосий функцияси – табиат ва инсон ўртасида алоқаларни мақсадли йўлга қўйиш ва рўёбга чиқариш ҳисобланади. Мазкур жараён натижаси тараққиётга, инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилиши зарур. Демак, техника ва технологиянинг вазифаси ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдан кенгдир. Техника ва технология инсон фаолияти, ҳаёти ва ижтимоий онг мавжудлигининг ажралмас унсури бўлиб, ҳар қандай цивилизациянинг асосини ташкил қилади. Улар меҳнат, онг, ижодий изланиш каби узлуксиз ривожланиш хусусиятига эга. Техноген цивилизация илм-фан, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш кучлари, техника ва технологияларнинг ўсиши, меҳнат тақсимоти ва ижтимоий муносабатларнинг чуқурлашуви, моддий ва маънавий бойликларнинг ривож топиши билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Демак, ижтимоий тараққиётнинг миқдорий кўрсаткичларига киши меҳнат объектларига таъсир этувчи меҳнат қуроллари ва уларни қўллаш технологияларининг такомиллашиб бориш даражасини киритиш мумкин. Чунки инсон меҳнат объектига меҳнат қуроллари ёрдамида маълум бир тартибда таъсир этиб, жамият учун моддий ва маънавий неъматлар яратади. Шу нуқтаи-назардан, бугунги кунда фан ва техника органик ва ноорганик табиатга ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ноорганик табиат – бу қурилиш техникаси, электроника, иссиқлик техникаси, физик-кимёвий техника, энергетик техника ҳамда технологияларда намоён бўлса, органик табиат бу

⁹ В.А. Кутырев. Культура и технология: борьба миров. Москва: Идея-Пресс, 2001.

қишлоқ хўжалиги техникаси, техника предметини биологияга киритиш имконини берувчи биотехнологиядир. Муаллиф техноген цивилизация кадриятларини таснифланган, улардан энг муҳими шахсинг ҳуқуқ ва ва эркинлигини олий кадрият эканлигини асосланган.

Инсон фаолиятини рационализациялаштириш жараёнида меҳнат куруллари яратилган ва улардан фойдаланиш технологияси такомиллашмоқда. Рационализациялаштириш жараёнининг жадаллашуви қишлоқ хўжалиги ва касб-ҳунар соҳаларида унуми юқори кўрсаткичли механизмларни кашф этишда намоён бўлмоқда. XVII асрда бошланган илмий-техникавий кашфиётлар меҳнатни, фаолиятни рационаллаштириш, самарали, унумли қилиш ҳосиласидир.

Диссертациянинг **“Инсон ва жамият ҳаётига техноген цивилизация таъсирининг объектив ва субъектив омиллари”** деб номланган III-бобда ўзбек халқининг тарихий-маданий цивилизациясининг босқичлари таснифланган, глобал кўп маданиятли цивилизация ва модернизация синтезининг Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётига таъсири очиб берилган. Муаллиф фикрича, глобал техноген цивилизация тараққиёти маҳсули бўлган саноатлаштириш ижтимоий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлмоқда.

Тадқиқотчи В.С.Степановнинг **“Ярим аср олдин айнан техноген цивилизация инсониятни ўзини ўзи ҳалок этадиган жар ёқасига олиб келиб кўядиган глобал инқирозга дучор этишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган”**¹⁰ деган ғоясини, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг **“Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз”**¹¹ деган ғояси билан қиёсий таҳлил этган ва техноген цивилизация даврида ҳам ўзбек миллатига хос жамоавийлик руҳининг сакланиб қолишини асослаган, бу эса, миллий менталитетга хос хусусиятдир. Ғарбда эса, индивидуализм, шахсий манфаатнинг устунлиги намоён бўлади.

Муаллиф XX асрнинг 90-йилларида инсоният сиёсат ва технологиялар соҳасида иккита буюк инқилобни бошдан кечирди деб таъкидлаган. Биринчи инқилоб социализмнинг инқирози бўлса, иккинчиси Интернет, мобил алоқа воситалари жамият тараққиётининг эҳтиёжига айланиши билан боғлиқ.

XX аср охири XXI аср бошида фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан алоқасини ва ижтимоий ролининг кучайгани билан характерланади. Бироқ бугунги кунда технологик коммуникация ахборот ва бошқа соҳалардаги глобал жараёнлардан ривожланган мамлакатлар асосан ўз иқтисодий манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида

¹⁰ В.С.Степин.Философия в эпоху перемен.Вестник Московского университета. Серия 7. Философия, 2006. - 18- б.

¹¹ И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Тошкент: Маънавият, 2008. – 7-8 Б.

қарор топган иқтисодий вазият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва номуносибликни кучайтирмоқда. Шу нуқтаи-назардан, техноген цивилизация фақат техника ва технология таъсири натижаси эмас, у энг аввало, антропологик муаммодир. Чунки жамият ривожланиб борган сари унинг ахлоқий тизимида ҳам ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Шу маънода шахс «жамият эҳтиёжларига кўра ахлоқий жиҳатдан сайқалланиб борса, у ижтимоийлашади¹². Айти пайта техноген цивилизация салбий оқибатларда ҳам намоён бўлмоқда. Бундай салбий оқибатларнинг пайдо бўлиш омилларидан бири – жамият аъзоларининг ахлоқи замон талабларига жавоб бермаслиги билан боғлиқдир, демак бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшларга замонавий таълим ва тарбия бериш, уларга технологиялардан унумли фойдаланишнинг аҳамиятини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, техноген цивилизация технологиялар жамият тараққиётининг барча соҳаларида амал қилаётган ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичи бўлиб, улардан жамият манфаатларини ҳимоя қилишда фойдаланиш, инсониятнинг ўз келажагини асраш истагига боғлиқдир.

Диссертацияда Техноген цивилизация тараққиётида инсон маънавий бегоналашувини олдини олишнинг устувор йўналишлари асосланган. Муаллиф фикрича, техноген цивилизациянинг асосий мақсади иқтисодий фойда олишдир. Бу одам ва машина ўртасидаги зиддиятларда ўз ифодасини топади. Бу жараёнда маънавий бегоналашув объектив дунёнинг инсонга, унинг хоҳишларига, унинг ҳимоя механизмларини ишлаб чиқишга имкон бермаслигида намоён бўлади.

Муаллиф маънавий бегоналашув инсоннинг техник ўзгаришлар таъсирида ёрқин намоён бўлаётганлигини, аҳолининг мобил телефонлардаги турли тармоқларга, ёш болалар ва ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига қарамлиги, китоб ўқишдан воз кечилишида намоён бўлаётганини асослайди. Масалан, АҚШнинг Калифорния штатидаги мактабларда ўқувчиларнинг мобиль телефонлари билан мактабга кириши таъқиқланган, болаларга қарра жадвалини ёдлашга мажбур қилинмоқда, зеро ҳозирги ёшларнинг мобил телефонларга қарамлиги, билим эгаллашда клибли тафаккурни шакллантирмоқда. Инсон бодибилдинг, косметик жарроҳлик ва бошқалар ёрдамида ўз танасини сунъий равишда ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда. Машинани манипуляция қилиш учун сунъий имплантлар тақдим этилмоқда. Машина сунъий организм сифатида, замонавий инсоннинг хоҳишларини “эскирган” тирик танадан кўпроқ қондирмоқда. Микрочипларни мия ва кўлларга киритиш учун тажрибалар олиб борилмоқда, бу одамга компьютерларни манипуляция қилиш учун имконият бермоқда, бу эса инсоний муносабатларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Муаллиф, ижтимоий меъёрлар ва маданиятнинг техника таъсирида ўзининг индивидуаллигини йўқотган одам табиий жисмоний ҳолатини ҳам йўқотишини ва инсондаги

¹² К.Х. Клаханов. Зеркало для человека, Введение в антропологии. Спб. Евразия, 1998. – 229 б.

шукроналик туйғуси уни манқуртликдан сақлаб қолиш воситаси эканлигини асослаган. Бунда инсоннинг мустахкам иродаси хақиқий гўзалликдан бахраманд бўлиши учун илохий гўзаллигини ҳам чуқур хис этиши ва унга амал қилиб яшашига асос бўлади. Фикрини асослаш учун муаллиф Мавлоно Жалолиддин Румийнинг куйидаги мисраларига мурожаат этади:

Олам ичра неча минг жонзотки бор,
Хуш яшар умрин, мусаффо, беғубор,
Хув, дарахт шохида сен ғурракни кўр,
қош қораймай, Хаққа шукрон айтадир
Пашшадан тортиб жахондан токи фил,
Бас, иёуллоху хақ ниъмал муъил,
(муъил-барчаси-Оллохнинг хонадони, хақ гўзал хонадон соихиби)¹³.

Демак, маънавий бегоналашувнинг бош омили билимсизлик ва маънавий тубанлашувдир. Муаллиф, янгиланаётган Ўзбекистонда маданий бегоналашувни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги ва уни бартараф этиш бўйича тизимли фаолият ташкил этилганлигини аниқ мисоллар билан асослайди, хусусан, ёшларни ижтимоий фаолликка даъват этувчи “Бешта ташаббус”, “Ёшлар парламенти”, “Ёш тадбиркор” лойиҳаси доирасида имтиёзли кредитларнинг ажратилиши шулар жумласидандир.

Хуллас, техноген цивилизациянинг Ўзбекистон аҳолиси онгида трансформациялашуви билим нормаларининг турмуш тарзининг ўзгариши, умргузаронликда ва айни пайтда бегоналашувда намоён бўлмоқда.

ХУЛОСА

Техноген цивилизациясида инсон онги трансформациялашувининг фалсафий таҳлили асосида кўйидаги назарий хулосалар ишлаб чиқилган:

1. Техноген цивилизация нафақат ишлаб чиқаришнинг ривожланишида балки, ижтимоий бошқарув ва коммуникация жараёнларини тартибга солиш, янги технологиялардан жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг технологияларга асосланиши, ахборот оқими геометрик прогрессияда ўсиб боришида намоён бўлмоқда. Техноген цивилизация экологик вазият азон қатламининг емирилиши глобал иссиқлашувда ўз ифодасини топмоқда, уларнинг салбий оқибатларига қарши янги технологиялар яратилмоқда. Бу инсон онгининг тарнсформацияси ва технократик тафаккурнинг шаклланишида намоён қилмоқда

2. Глобал техноген цивилизация қадриятли мўлжалларида энг аввало инсонинг ўз-ўзини англаши, мақсадли фаолиятини тизимли ташкил этиш,

¹³ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий Маънавий. Биринчи китоб. Абдулло Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент: 2001. - 216-217 б.

фаолият натижаларини жамият манфаатларига хизмат қилишига эришиш лозим.

3. Глобал техноген цивилизация шароитида ҳар бир жамият ўз йўлини, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, айти замонда мураккаб, зиддиятларга тўла, тарихий бурилиш даврида яшамокда.

4. Техноген цивилизация ўзига хос воқелик сифатида техника машиналари, меҳнат қуроллари, техника иншоотлари, техника муҳити, технологик тараққиёт намуналарида намоён бўлмокда. Техноген цивилизациянинг хоссаларига техника ва технологиялардан фойдаланиладиган рационал билимлар, техникага нисбатан ижтимоий-маданий ёндашувлар ва кишиларнинг техник ва технологик тараққиётга мос бўлган янгича дунёқараши киради.

5. Инсон онгли мавжудот сифатида ўз хатти-ҳаракатларини рационал, оқилона ташкил қилади. Фаолиятни рационал ташкил этиш инсонда ён-атрофга, табиатга муайян мақсад нуқтаи назаридан ёндашишни шакллантиради. Инсон фаолиятининг рационаллашуви меҳнат қуролларини яратиш, улардан фойдаланиш технологияларини такомиллаштиришни тақозо этади.

6. Техноген цивилизация инсоният тараққиётининг босқичи сифатида, бир томондан, ижобий ҳодиса, иккинчи томондан ички зиддиятларга, ҳатто деструктив таъсирга эга воқелик сифатида намоён бўлади. Бу техника ва технологияларни инсон-табиат тизимидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, инсонпарварлаштиришни тақозо этади. Техноген цивилизация инсон онги трансформациясининг доимийлиги ва унинг имкониятлари кенглигидан далолат беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.12.2019.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МУРАТОВА ДИЛДОРА АБДУМАНАПОВНА

**ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ТРАНСФОРМАЦИИ СОЗНАНИЯ
ЧЕЛОВЕКА В ПЕРИОД ТЕХНОГЕННОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ**

09.00.04 –Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФИИ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером №B2019.3.PhD/ Fal366

Диссертация выполнена в Ташкентский государственный транспортный университет. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa@nuu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Раматов Жуманиез Султанович**
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Саифназаров Исмоил Саифназарович**
доктор философских наук, профессор

Эгамбердиев Азиз Абдумаликович
доктор философии (PhD)

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «19» 12 2020 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.30.12.2019.F.01.05.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5 этаж, 511-аудитория. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под №). (Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «10» 12 2020 года
(реестр протокола рассылки № от « » 2020 года)

Н.А.Шермухамедова
председатель ученого совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук,
профессор

У.Махаммов
ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, доктор философских
наук (PhD)

Г.Т.Махмудова
председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук,
профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы. сформировавшаяся в XX веке техногенная цивилизация в мире продолжается в XXI веке в развитии цифровых технологий и выступает главным фактором социализации общества. Широкое использование информационных технологий в науке, системе образования, находят свое выражение в интеграции знаний с трансформацией человеческого разума. Техногенная цивилизация проявляется не только как ответ на прагматические потребности общества, но и в диалоге культур и трансформации индивидуального сознания и демонстрирует безграничных возможностях человеческого разума во всех сферах социальной жизни. В то же время являясь в одном из направлений техногенной цивилизации – в социальных сетях деструктивные идеи влияют на сознание различных слоев населения, и поэтому выявление положительных и отрицательных последствий техногенной цивилизации, ее использование в обществе в благих намерениях приобретает важное значение.

В мире ряд исследовательских институтов и центров проводят исследования по изучению влияния техногенной цивилизации, определения будущих перспектив, влияния технологий на человеческие и межличностные отношения. Результаты этой научной деятельности проявляются в обоснование того что не смотря на некоторые негативные последствия в основном она служит мна отказе от идей технопессимизма, и хотя любое технологическое развитие имеет определенное негативное влияние, но в основном служит удовлетворению материальных и духовных потребностей человечества и призыву на отказ от технопессимизма.

В конце XX века в Узбекистане развивалась практика использования технологий, и сейчас она отражена во всех сферах жизни общества, включая промышленное производство, образование, медицину, сельскохозяйственные биотехнологии, бытовое обслуживание, строительство и, что самое главное, в общественной жизни людей. Техногенная цивилизация становится важным фактором развития общества и трансформации человеческого разума, поэтому важно изучить ее социальную значимость, выявить области воздействия, связанные с угрозами стабильности, и их устранение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Законе Республики Узбекистан № ЗРУ-445 от 11 сентября 2017 года «Об обращениях физических и юридических лиц», в Постановления Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», в Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-3832 от 3 июля 2018 года «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан», № PQ-4168 от 8 февраля 2019 г. «О мерах по совершенствованию государственного управления в

сфере интеллектуальной собственности» и других нормативных актах.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы.

Древние корни развития техники и технологий связано с строительством амфитеатра Колизея в Римской империи. Поэтому, хотя греческие и римские мыслители не выдвигали какие либо идеи о технологическом прогрессе, однако они утверждали, что технические устройства были продуктом диалога мировоззрений людей. Английский философ новой эры Ф Бэкон в произведении “Новой Атлантиде” выразил идею о том, что «Власть над природой человека - это цель общества, данная цель долгое время служила теоретической основой техногенной цивилизации. Дж. Локк в своей книге «Человек-машина»¹ обосновывал, что будущее зависит от технологий.

